

**МУХТАРОВ ФАРРУХ МУХАММАДОВИЧ**

**ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ МОДЕЛЛАРИ ВА  
ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.05 – Ахборотларни химоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати муядарижаси

A/2615

И  
аукам

А.  
М 93 ~~Мухтаров, Ф. М.~~

sophy (PhD)

~~Хавфсизликни таъмин-~~  
~~лаш тизими моделлари~~

Мухтаро  
Хавфсиз  
стратегия

~~ва давлатлараро муно-~~  
~~сабатлар стратегиясини~~

лараро муносабатлар

~~мувофиқлаштириш ал-~~  
~~горитмлари : дис. авто-~~

.....3

~~реферати~~

Мухтаро  
Моделли с  
стратегии

регулирования

~~Т. 2020~~

.....21

**ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗЖЕ**  
**обозначенного здесь срока**

y of  
.....41


.....45

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХТАРОВ ФАРРУХ МУХАММАДОВИЧ**

**ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ МОДЕЛЛАРИ ВА**  
**ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ**  
**МУВОФИҚЛАШТИРИШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.05 – Ахборотларни химоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги

**ТЕХНИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4. PhD/Т 508 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «ZYONET» ахборот таълим порталида ([www.ziyouct.uz](http://www.ziyouct.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Якубов Мақсадхон Султаниязович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Каримов Мажит Маликович  
техника фанлари доктори, профессор  
Холмуратов Омонбой Утамуратович  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

**Етакчи ташкилот:** «UNICON.UZ» - фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc. 13/30.12.2019.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» 02 соат 10 дақиқа мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (155 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри. Амир Темури кўчаси., 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44.

Диссертация автореферати 2020 йил «13» 02 да тарқатилди.  
(2020 йил «13» 02 дақиқ 55- рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Хамдамов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби т.ф.д., доцент

Р.Ж.Алоев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари асосида давлатлараро ўзаро алоқа ва ҳамкорлик муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришда рақамли дипломатия тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Заминавий ахборот-коммуникация тизимининг изчил такомиллашган даврида ахборот оқими ва ҳажмининг ошиб бориши халқаро муносабатларда миллий ахборот хавфсизлиги ва маълумотлар конфиденциаллигини таъминлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари асосида жаҳоннинг етакчи мамлакатларида рақамли дипломатиядан самарали фойдаланиш, давлатлараро муносабатларда ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашшидан, ахборотларни нотўғри талқин қилинишидан ҳимоялаш, мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш усулларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж ва талаб ортиб бормоқда. «Критик муҳим инфратузилма ва технологиялар кибермайдонларида хавфсизликни таъминлашга 2017 йили АҚШ 19 млрд. доллар, шунигдек «Ислом давлати»да фаолият юритаётган ИШИД гуруҳларига қарши курашга Пентагон ва Давлат Департаментига 11 млрд. АҚШ доллари ажратган».<sup>1</sup> Хитойда 2018 йил май ойида «Олтин қалқон» тизими орқали 8 минг фойдасиз ҳисобланган кўплаб йирик ғарбий оммавий ахборот воситалари ва YouTube, Twitter, Instagram каби ижтимоий тармоқ сайтларини ёпиб қўйиши каби ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда давлатлараро муносабатлар стратегиясини шаклланишида миллий давлат ва хизмат хавфсизлигини таъминлаш, ахборот ресурслари хавфларини аниқлаш ва маълумотларни филтрлаш усулларида ечиш алгоритмлари, аппарат-дастурий воситалари ва концептуал моделларини ишлаб чиқиш, давлатлараро ахборот хуружлари туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган можароларни олдини олиш ва бартараф этиш жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб, бу борада мақсадли илмий-тадқиқотлар, жумладан, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: таъки ахборот ресурслари хавфларини аниқлаш, рақамли дипломатия тамойиллари, миллий-хавфсизликка бўладиган таҳдидларни тонфалаш, ахборот хавфини ифодаловчи моделлар информатив факторларини баҳолаш, ижтимоий тармоқларни ҳимоялаш, давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш, концептуал моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, рақамли дипломатия асосида давлатлараро муносабатлар стратегиясини мувофиқлаштириш ва миллий хавфсизликни таъминлаш жараёнларини бошқариш усулини ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Республикамизда миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашга боғлиқ масалаларни ечиш, ахборотлардан руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимояланиш, конфиденциал маълумотларни криптографик ҳимоялашнинг аппарат ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш, ўз вақтида миллий ахборот хавфсизли-

<sup>1</sup><https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/2652711>

гига нисбатан таҳдидларни аниқлаш ва чет эл разведкасидан техник химояла-  
ниш ва ўз вақтида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-  
2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича  
Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... ахборот хавфсизлигини таъмин-  
лаш ва ахборотни химоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳа-  
сидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш»<sup>22</sup>  
вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан,  
миллий давлат хавфсизлигини ташқи ахборот таҳдидларидан химоялашни  
таъминлаш тизимини концептуал моделлари ва давлатлараро муносабатлар  
стратегиясини мувофиқлаштириш алгоритмларини яратиш муҳим масалалар-  
дан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»  
ги Қонуни (1993), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7  
февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланти-  
риш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 ноябрдаги  
ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири-  
лиги ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга  
тегишли барча мсъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни  
амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат  
қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-  
нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика  
фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-  
коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши  
доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлатлараро стратегик  
муносабатларни шаклланишида миллий давлат хавфсизлигини таъминлаш  
усуллари ва аппарат-дастурий воситаларини ишлаб чиқиш, ташқи ахборот  
хуружи ва таҳдидларидан химояланиш концепцияси ва тамойилларини  
ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларни шакллантиришнинг концептуал  
моделлари, интернет ахборот ресурсларини филтрлаш ва химояланиш  
усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича Yu.Hayachi, M.Kastels,  
F.Uebster, E.Giddens, Yu.Habermas, D. Martin, G. Molitor, E. Toffler, D.Bell,  
З.Бжезинский, А.Кинг, Д.Несбит, А.Турер, Р.Дракер, М.Маклюен, Т.Струнер,  
В.С.Пирумов, В.Д.Попов, С.Дацюк, Г.Г.Почепцов, Г.В.Грачев, И.К.Мельник,  
С.А.Модестов, В.А.Копылов, В.Г.Крысько, В.А.Баришполец, Л.Малков,  
В.Г.Машлыкин, С.Э.Зуев, М.И.Абдурахманов, В.Л.Манилов, С.П.Расторгуев,  
С.Паринов, В.Б.Вепринцев, М.М.Каримов, Р.Ж.Алоев, А.В.Кабулов каби чет  
эл ва республикамиз олимлари илмий-тадқиқот ишларида ўрганиб чиқилган.

Давлатлараро стратегик муносабатларни шакллантиришда «Рақамли  
дипломатия» дан самарали фойдаланишни ташкил этиш усуллари Э.Хаас,

<sup>2</sup> 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Г.Олмонд, К.Дойч, Дж.Розенау, Р.Киэйн, Дж.Най, Ч.Олджерлар илмий мақолаларида кўриб чиқилган. Давлатларнинг жаҳон сиёсатидаги, оммавий ва сиёсий коммуникацияларидаги имиджларини шакллантириш муаммолари А.Агеносов, В.Ачкасов, О.Березкина, А.Власов, А.Волков, Э.Галумов, В.Гончаров, Б.Грушин, К.Гусев, Е.Егорова-Гантман, Т.Лебедева, А.Малышев, Г.Марченколарнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Миллий мақсад ва замонавий сиёсатда давлатнинг чет эл аудиторияси билан мулоқот жараёнларида хорижий жамоани маълум бир мамлакатнинг маданияти ва миллий гоёлари, олиб бораётган сиёсати, давлатлараро ўзаро узоқ муддатли муносабатларни шакллантиришда ахборот харужи, таҳдидлар, давлат ва хизмат сирларини ҳимоялаш усулларини мувофиқлаштириш ва концептуал моделлари Gans Tash, Filip Teulor илмий ишларида тадқиқ этилган.

Шу билан бирга интернет ахборот ресурслари, ташқи ахборот хуружи ва таҳдидларидан мамлакат, жамоа ва фуқароларни ҳимоялаш, давлат ва хизмат сирлари дахлсизлигини ва конфиденциаллигини таъминлаш усуллари, аппарат-дастурий воситалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-4-8-сон «Ахборот коммуникация технологиялари тизимида юқори технологик виртуал ОС GNU операцион тизимини жорий этиш»(2015-2017); И-2014-4-7-сон «3 ўлчовли форматда намойиш этиш майдон платформасини яратиш ҳамда ишланма ва технологияларни виртуал намуналарини моделлаштиришни ташкил этиш» (2015-2017); И-2017-4-4-сон «Ахборот тизимларида маълумотларга интеллектуал ишлов бериш моделларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ташқи ахборот тизими хуружи ва таҳдидларидан ҳимоялашнинг моделлари, дастурий воситалари ҳамда давлатлараро муносабатлар стратегиясини мувофиқлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ахборот коммуникация технологиялари асосида давлатлараро стратегик муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташқи ахборот таҳдидидан ҳимояланиш ёндошувларини ишлаб чиқиш;

давлатлараро муносабатларда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид қилувчи ташқи ахборот ресурслари факторларини классификациялаш, давлат ва хизмат сирларини конфиденциаллиги ва ҳимоясини таъминлаш тамойил ва усулларини ишлаб чиқиш;

давлатлараро муносабатлар стратегиясини шаклланишида интеграциялашган тизимда шахс, жамият, давлат ва хизмат сирлари хавфсизлигини таъминлаш жараёнларининг моделлари, алгоритми ва дастурий воситасини ишлаб чиқиш;

давлатлараро муносабатларда критик ахборот инфратузилмасида ахборот хавфсизлигига ташқи таҳдидларни ҳисоблаш ва контентларни филтрлаш усуллари ва алгоритмини ишлаб чиқиш;

давлатлараро муносабатлар стратегиясини шаклланишида ижтимоий тармоқ ва виртуал ахборот майдонлари – коммуникациялари тизимида омма онги ва кадриятига тезкор таъсир этувчи воситаси – рақамли дипломатияни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлаш тизими ва ташқи ахборот ресурслари хуружи ва таҳдиддан ҳимояланиш жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими концептуал моделлари ва давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш стратегиясига асосланиб шахс, жамият ва давлат хавфларини бартараф этиш масалаларини ечишда қўлланиладиган моделлар, алгоритмлар, усуллар ва дастурий воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, башоратлаш, тизимли таҳлил, эҳтимоллик назарияси, алгоритмлаштириш, бошқариш ва тузилмали дастурлаш, статистик маълумотларга ишлов бериш технологиялари ҳамда криптографик ҳимоялаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интернет ахборот коммуникация технологиялари ва тизими асосида давлатлараро стратегик муносабатларни мувофиқлаштириш хусусиятларига мувофиқ давлат, жамоат ва шахс хавфсизлигини ташқи ахборот хуружи ва таҳдидларидан ҳимояланиш ёндошувлари ишлаб чиқилган;

давлатлараро муносабатларда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид қилувчи ташқи интернет ахборот ресурслари факторлари классификацияланган, давлат ва хизмат сирларини конфиденциаллиги ва ҳимоясини таъминлаш тамойил ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган;

давлатлараро муносабатлар стратегиясини шаклланишида интеграциялашган тизим ахборотлари ва шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларининг таҳдидлар моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

давлатлараро муносабатларда критик ахборот инфратузилмасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларни ҳисоблаш ва контентларни филтрлаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

давлатлараро муносабатлар стратегиясини шаклланишида ижтимоий тармоқ ва виртуал ахборот майдонлари – коммуникациялари тизимида омма онги ва кадриятига тезкор таъсир этувчи воситаси – рақамли дипломатияни такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлатлараро стратегик муносабатларни шаклланишида ташқи ахборот ресурсларини филтрлаш ва ҳимояланиш моделлари, усуллари, дастурий воситалари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;



давлатлараро стратегик муносабатларни мувофиқлаштиришда ташқи ахборот ресурслари хуружлари ва таҳдидлари хавфлилик даражаси бўйича классификацияланган, давлат ва хизмат сирларини дахлсизлиги ва конфиденциаллигини таъминлашнинг миллий хавфсизлик тизими ишлаб чиқилган;

ташқи ахборот хуружлари ва таҳдидларидан миллий хавфсизликни таъминлашда омманинг онги ва кадриятига тезкор таъсир этувчи воситаси сифатида рақамли дипломатиядан самарали фойдаланиш механизми ва тузилмаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги давлатлараро стратегик муносабатларни шакллантиришда миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашда ташқи ахборот хавфлари ва таҳдидларини ўз вақтида хавфлилик даражасини аниқлаш, химояланиш ва бартараф этиш масалаларини ечиш бўйича ишлаб чиқилган моделлар, давлат ва хизмат сирларини дахлсизлиги ва конфиденциаллигини таъминланганлик ҳолатини қиёсий таҳлили ҳамда дастурий воситаларни амалда тадбиқ этишда ишлаб чиқарилган алгоритмлар ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари билан шарҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган давлатлараро муносабатлар стратегиясини шакллантиришнинг моделлари, усуллари ва алгоритмларининг ташқи ахборот ресурслари хуружи ва таҳдидлари хавфлилик даражасини аниқлаш, давлатлараро стратегик муносабатлари тартиб-қоидаларини мувофиқлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, давлатлараро стратегик муносабатларни шаклланишида ташқи ахборот ресурсларини филтрлаш давлат ва хизмат сирларига, мамлакатга, жамоага ва фақароларга бўлган ташқи ахборот хавф ва таҳдидларидан химоялайди, давлатлараро узоқ муддатли ва ишончли ҳамкорликни таъминлайди, ҳамда дастурий воситалар ташқи ахборот ресурсларини филтрлаш жараёнларини амалга оширади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Давлатлараро стратегик муносабатларни шакллантириш жараёнларининг концептуал моделлари, усуллари, аппарат-дастурий воситалари ва алгоритмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлатлараро муносабатларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал моделлари, инструментал дастурий воситалар мажмуалари Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат тизимининг компьютерлаштириш секторлари Фарғона вилояти хокимлиги «Компьютерлаштириш маркази» ДУКга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 33-8/5042-сон маълумотномаси). Натижада электрон ҳукумат, электрон хужжат ва давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш жараёнида маълумотларни химоялашда фойдаланилиб, идоралараро ва ҳукуматлараро конфиденциал ахборотлар алмашинуви муносабатларини мувофиқлаштириш ҳисобига

етказилиши мумкин бўлган иқтисодий зарарни 2,4 баробаргача камайтириш имконини берган;

давлат ва хизмат сирларини дахлсизлиги ва конфиденциаллигини таъминлашнинг миллий хавфсизлик тизими Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлиги Фарғона вилояти худудий Бошқармасига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 33-8/5042-сон маълумотномаси). Натижада худудий Бошқармада соҳанинг техник йўналишдаги жабҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқишда фойдаланилиб, телекоммуникация соҳасида етказилиши мумкин бўлган эҳтимолий техник ва иқтисодий зарар миқдорини 2,7 баробарга қисқаришига яъни 38,4 млн. сўм тежамкорлигига эришиш имконини берган;

ташқи ахборот ресурсларини филтрлаш ва химоялаш моделлари ва алгоритмлари «Ўзбектелеком» АК Фарғона филиалининг тоифаланган объектларини химоялаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 33-8/5042-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари тоифаланган объектларни химоялашда фойдаланилиб, маълумотлар хавфсизлиги таъминотини кучайтириш, шунингдек алоқа линиялари ва ахборот тизимидан рухсат берилмаган фойдаланишни маън этадиган тегишли техник йўриқномалар ишлаб чиқилиб, ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, соҳага етказилиши мумкин бўлган умумий моддий зарарни тақлиф этилган хавфсизликни таъминлаш модел ва алгоритмларини жорий этиш ҳисобига 1,7 баробарга қисқариш имконини берган;

алоқа линиялари ва ахборот тизимидан рухсат этилмаган фойдаланишлардан химояланишнинг оптималлашган усуллари Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг телевизион сигналларни узатиш ва тарқатиш бўлимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 33-8/5042-сон маълумотномаси). Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг телевизион сигналларни узатиш ва тарқатиш бўлими техник қурилмаларига рухсат этилмаган киришлардан химоялаш, тоифаланган объектнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича қарор қабул қилишда фойдаланилиб етказилиши мумкин бўлган эҳтимолий техник ва иқтисодий зарар миқдорини 1,9 баробарга қисқаришига яъни 45,7 млн. сўм тежамкорлигига эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 9 та халқаро ва 8 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 1 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр қилинган, ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.


Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ахборот технологияларининг давлатлараро муносабатлар ривожланишига таъсирининг замонавий ҳолати» дсб номланган биринчи боби давлатлараро муносабатларнинг ривожланишига ахборот-коммуникация технологияларининг таъсири, глобал ахборот майдонини ривожланиш тенденцияси, ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашда интернет ресурсларини бошқариш тизимини таҳлилига бағишланган бўлиб, тадқиқ этилаётган муаммони шахс, жамоа ва давлат пуктаи назаридан ўрганишнинг эволюцион ёндашувлари талқин этилган.

Глобал масштабда ахборот жараёнларининг ахборот майдонида янги-дан янги сиёсий мазмун билан тўлиб бориши, сиёсий майдонда ахборот ва коммуникация технологияларининг мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши эвазига ташқи сиёсий ўзаро муносабатлар изчиллашиб бомокда.



1-расм. Ходисалар динамикаси

Ахборот хавфсизлиги ходисалари тўғрисидаги 2018 йилги статистик маълумотлар 1-расмда келтирилган: Ахборот қуролиларини узлуксиз, ишга лаёқатли ва реал вақт мақолида фаолият юритиши лозим бўлган ҳарбийлар, фуқаролик объектлари ва тузилмаларига қарши қўллаш жуда хавфли. Уларнинг ишига бундай қарши таъсир улкан ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Ахборотлаштириш- давлатлараро муносабатларга кириб бориб, янги сиёсий ахборот майдонини шаклланишига олиб келмоқда. Қайси бир мамлакатнинг ахборот инфратузилмаси ривожланган бўлса, унинг давлатлараро муносабатларга, ички сиёсий ҳолатларга, омманинг оингига ва хулқига таъсир этиш имконияти шунча юқори бўлади. Бу фақат давлат тузилмаларигагина тааллуқли бўлмай балки, амалда фаолият юритаётган, виртуал майдонда ўзаро алоқада бўлаётган халқаро ташкилотларга ҳам тааллуқли.

Жаҳон миқёсида юз бераётган хуруж ва чақириқлар тахлили шундан далолат берадики, бугунги кун шароитида жиноят содир этиш хавфи эҳтимоли, кризис ҳолатларини юзага келиши ва замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ошиб бориши кузатилмоқда. Давлат учун тинчлик даврида ҳам, уруш даврида ҳам ахборот технологиялари «асосий тенглаштирувчи» бўлиб хизмат қилади. Бу технология ҳеч қандай чегарани билмайди ва бутун дунё бўйлаб тарқалади.

Халқаро бозорда кўпчилик компоненталар ва тизимларга киришига руҳсат берилган. Ахборот инқилоби доирани ташкил этди, бу ўз навбатида давлат суверенитетини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам давлатлар ўртасидаги ва нодавлат бирлашмалар орасидаги можаролар икки давлат ўртасидаги можаро каби эҳтимоликга эга бўлмоқда.

Ахборот технологиялари салбий сиёсат юритиш учун кенг имкониятлар яратиб бериши билан бирга бундай ҳолатлардан огоҳлантириш усулларини ишлаб чиқиш, хаттоки самарали ташқи сиёсат юритиш усулларини такомиллаштиришга олиб келади. Шунингдек, ахборот хавфларига қарши адекват ахборот усулларидан фойдаланиш зарур. Кенг истиқболларда ахборот уруши кўп ўлчамларда амалга оширилмоқда. У давлат стратегияси ҳисобланиб, стратегик даражада устуниликка эришишни таъминлаш учун барча миллий куч ва имкониятларини ишга солади. У замонавий самарали уруш воситаларини ошириш учун ахборот технологияларини қўллашга инсбатан анча юқори ҳисобланади. У нафақат рақибни назорат қилиш ва ҳарбий бошқарув тизимини ишдан чиқариш ҳаракатларини амалга оширади, балки сиёсий ва молиявий тизимини ҳам ишдан чиқаради.

Ахборот қуролининг ўзига хос хусусиятларига унинг универсаллиги, радикал таъсири, кириш имконияти киради. Уни ҳаракатга келтириш учун катта миқдордаги молиявий сарф харажатлар воситаси талаб этилмайди, бу ахборот урушини самарали қилиб, қуролланган курашда жуда хавфлилигини намойиш этади. Унинг қўлланилиши осойишта фаолият кўриниши остида осон ниқобланади ва кимлигини билдирмаган ҳолда амалга оширади. Бир вақтнинг ўзиде ахборот ҳужумини амалга оширувчининг қайси миллатга ва давлатга мансублигини аниқлаш қийин. Ишнинг чигаллашига яна бир асосий

сабаб агрессиянинг одатда учинчи давлат ҳудудидан амалга оширилишида. Ахборот қуроли географик масофани билмайди, амалдаги давлат чегараси тушунчасини бузади ва уни технологик жиҳатдан қирувчан қилади. Бу турдаги қуролдан фойдаланиш хуфёна амалга оширилади, уруш эълон қилинмайди, катта тайёргарлик кўришни талаб қилмайди. Ҳаттоки жабрланувчи ўзини ахборот таъсирида экашлигини англамай ҳам қолади. Шунингдек, хуружни баҳоловчи ва тайёрланаётган ҳужумдан аввалдан огоҳлантириш тизим ва усулларининг яратилмаганлиги туфайли бундай агрессияга қарши курашиш имкониятлари мураккаблашади. Ахборот инфратузилмасида «совуқ уруш» йилларида яратилган тизимга ўхшаш харбий ҳужум ҳақидаги ҳужум ҳолатини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва «аввалдан огоҳлантириш тизимини» яратиш инфосферадаги хуружларнинг эволюцион тезкор характерига ва доимий мураккаблашиши билан характерланади.

Диссертациянинг «Давлатлараро муносабатларда ахборот хавфсизлигини шакллантиришнинг асосий тамойиллари», деб номланган иккинчи бобида рақамли дипломатияни шакллантиришнинг асосий устувор тамойиллари шакллантирилган, давлатлараро муносабатларда ахборот ресурсларига хавф туғдирувчи факторлар классификацияланган, шунингдек, давлатлараро ахборот хавфсизлигида объектлар ва конфиденциал ахборот ресурслари классификацияланган, ҳозирги кунда амалдаги ахборот соҳасидаги қонунчиликларга асосланган критик ахборот инфратузилмаси хавфсизлигини таъминлаш ва давлатлараро муносабатлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари тақлиф этиган.

Ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги механизмларининг самарадорлигини баҳолаш воситаси сифатидаги хусусиятлари. (ДБИ) (ШМ) (ААТ) ахборот хавфсизлиги таҳдидлари ва унинг химояланганлигини таъминлаш жараёнларини математик ифодалаш учун дастлабки қадам сифатида ушбу тизимларда қуйидаги ҳолатлар бўйича услублар ишлаб чиқилган.

1-ҳолат. ААТ даги ахборотларга рухсат этилмаган фойдаланиш таҳдидлари функционал тавсифлари билан бир қатор таҳдидлардан ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнларининг функционал тавсифлари ўртасида мувофиқлик мавжуд.

Бундай ҳолат таҳдидларни амалга оширишнинг чекланган миқдордаги объектив усулларидан келиб чиқади. Рухсатсиз кириш таҳдидлари орқали ААТ лардан маълумот олиш учун бу максалди таҳдиднинг функцияси ва функционал тузилиши натижасида олинган функцияларнинг чекланган миқдори билан ажралиб туради. Бу ўз навбатида, контентдан фарқ қилади ва унинг функционал тузилишида ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан химоя қилишни таъминлашнинг максалди вазифаси ҳисобланади.

2-ҳолат. (ДБИ) (ШМ) (ААТ) ахборотига рухсатсиз кириш ҳамда ушбу таҳдидлардан ахборотни химоя қилиш жараёни ва ушбу жараёнларнинг таҳлилий тақдимот жараёнларининг функционал тавсифлари ўртасида мувофиқлик мавжуд. Тадқиқ қилинаётган жараённи бирламчи шакллантиришнинг функционал моделлаштиришни аниқланишидан келиб чиқиб, функционал

моделларни тегишли тартибда математик моделга айлантириш зарур бўлади. Бунинг учун (ДБИ) (ШМ) (ААТ) маълумотларига рухсатсиз кириш ва бундай таҳдидлардан ахборотни химоя қилиш жараёни куйидаги форматдаги рўйхат шаклида композиционал функционал ваколатлардан фойдаланилади:

$$\langle x^{(n+1)}, K, L, M_1, p_1^{(n)}, x_{11}^{(n)}, x_{12}^{(n)}, \dots, x_{1M_1}^{(n)}, M_2, p_2^{(n)}, x_{21}^{(n)}, x_{22}^{(n)}, \dots, x_{2M_2}^{(n)}, M_2, p_2^{(n)}, x_{21}^{(n)}, x_{22}^{(n)}, \dots, x_{2M_2}^{(n)}, M_L, p_L^{(n)}, x_{L1}^{(n)}, x_{L2}^{(n)}, \dots, x_{LM_L}^{(n)} \rangle, \quad (1)$$

бу ерда:  $x^{(n+1)}$  —  $(n+1)$  - функционал тавсифнинг композицион структураси даражасининг функция идентификатори;  $K$  —  $x^{(n+1)}$  функциясини ташкил этувчи композицион структуранинг  $n$  - даражали функцияларининг сони;  $L$  —  $x^{(n+1)}$  функциясини ташкил этувчи композицион структуранинг  $n$  - даражали функцияларини бажариш кетма-кетликларининг сони;  $M_l$  —  $l = 1, 2, \dots, l$ , кетма-кетлигини амалга оширадиган  $n$  - даражали функциялар сони;  $x_{M_l}^{(n)}$  —  $l$  чи кетма-кетликдаги  $n$  - даражали  $M_l$  - функциясининг идентификатори;  $p_l^{(n)}$  — бажарилиш эҳтимоли  $n$  - даражали функцияларнинг  $l$  - даражали вазифалари.

(ДБИ) (ШМ) (ААТ) да ахборот хавфсизлиги таҳдидларининг хусусиятлари ва ахборотни муҳофаза қилиш механизмлари учун аналитик ифодаларни олиш жараёнида куйидаги вариантлар мавжуд: вазифалар композицион шаклда шаклланмаган; функциялар параллел равишда бир-бирига боғланган; функциялар доимо бир-бирига боғлиқ; функциялар параллел-кетма-кет боғлиқ. Композицион шаклланмаган функциялар учун ушбу ҳолат характерлидир

$$K = L = M_l = 1.$$

(ДБИ) (ШМ) (ААТ) маълумотларига рухсатсиз кириш учун характерларни композицион функционал тарзда ифодалашда бундай функцияларнинг мисоли:  $y_{2,4,2,3}^{(2)}$

(САТ) сегментининг абонент станциясининг манзилни алмаштириш. Бу функциянинг функционал вакили учун (1) га мувофиқ ифода

$$\langle y_{2,4,2,3}^{(2)}, 1, 1, 1, y_{2,4,2,3,1}^{(2)} \rangle$$

Умуман, маълум бир иш учун аналитик ифодаси сифатида куйидаги кўринишда ифодаланади

$$C(x^{(n+1)}) = C(x_{11}^{(n)}), \quad (2)$$

бу ерда  $C(x)$  функциянинг характеристикаси.

Параллел билан боғлиқ функцияларнинг белгиси  $K = L$  ҳолатидир. Умумий шаклда, маълум бир ишнинг аналитик ифодаси куйидагича ифодаланади:

$$C(x^{(n+1)}) = p_{11}^{(n)} \cdot C(x_{11}^{(n)}) + p_{21}^{(n)} \cdot C(x_{21}^{(n)}) + \dots + p_{L1}^{(n)} \cdot C(x_{L1}^{(n)}) \quad (3)$$

(ДБИ) (ШМ) (ААТ) маълумотларига рухсатсиз киришни амалга ошириш учун композиционал функционал вакиликда бундай функция-

ларнинг мисоли  $y^{(2)}_{2,3,1,1}$  — дастурларни амалга ошириш функцияси сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу функциянинг функционал вакили учун (1) га мувофиқ ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\langle y_{2,3,1,1}^{(2)}, 3, 3, 1, p_1^{(1)}, y_{2,3,1,1}^{(1)}, 1, p_2^{(1)}, y_{2,3,1,1,2}^{(1)}, 1, p_3^{(1)}, y_{2,3,1,1,3}^{(1)} \rangle$$

Квалификациялари билан боғлиқ функцияларнинг белгиси  $K \neq 1, L = 1$ . бўлиши керак. Умуман, маълум бир иш учун аналитик ифодаси сифатида қуйидагича ифодаланadi

$$C(x^{(n+1)}) = C(x_{11}^{(n)}) \circ C(x_{12}^{(n)}) \circ \dots \circ C(x_{1M_1}^{(n)}), \quad (4)$$

бу ерда  $0$  - тасодифий ўзгарувчилар таркибининг белгиси.

(ДБИ) (ШМ) (ААТ) маълумотларига рухсатсиз кириш учун ҳаракатларни композиционал функционал тавсифида бундай функцияларнинг мисоли  $y^{(3)}_{4,2,1}$  — (ААТ) маълумотларини рухсатсиз нусхалаш. Бу функциянинг функционал вакили учун (1) га мувофиқ ифода қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\langle y_{4,2,1}^{(3)}, 2, 1, 2, p_1^{(2)}, y_{4,2,1,1}^{(2)}, y_{4,2,1,2}^{(2)} \rangle$$

Параллел кетма-кетлик билан боғлиқ функцияларнинг  $K \neq 1, L \neq 1$  шартидир.

Умуман, маълум бир иш учун аналитик ифодаси сифатида

$$\begin{aligned} C(x^{(n+1)}) = & p_1^{(n)} \cdot C(x_{11}^{(n)}) \circ C(x_{12}^{(n)}) \circ \dots \circ C(x_{1M_1}^{(n)}) + p_2^{(n)} \\ & \cdot C(x_{21}^{(n)}) \circ C(x_{22}^{(n)}) \circ \dots \circ C(x_{2M_2}^{(n)}) + \dots p_L^{(n)} \\ & \cdot C(x_{L1}^{(n)}) \circ C(x_{L2}^{(n)}) \circ \dots \circ C(x_{LM_L}^{(n)}) \quad (5) \end{aligned}$$

(ДБИ) (ШМ) (ААТ) маълумотларига рухсатсиз кириш учун бажарилadиган хатти-ҳаракатларнинг композиционал функционал тавсифида бундай функцияларнинг мисоли  $y^{(3)}_{7,1,1}$  — «Ахборотга зарарли таъсир изларини яшириш» функцияси сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу функциянинг функционал вакили учун (1) га мувофиқ ифодаси:

$$\langle y_{7,1,1}^{(3)}, 4, 2, 3, p_1^{(2)}, y_{7,1,1,1}^{(2)}, y_{7,1,1,3}^{(2)}, y_{7,1,1,4}^{(2)}, 3, p_2^{(2)}, y_{7,1,1,2}^{(2)}, y_{7,1,1,3}^{(2)}, y_{7,1,1,4}^{(2)} \rangle \quad (6)$$

Ҳокимият идораларининг автоматлаштирилган шахсий маълумотлар тизимларида ҳақиқий ахборотни ҳимоя қилиш механизмларининг ўхшашлиги ва уларнинг ҳақиқий ҳимоя механизмларининг моделлари. Ўрганилаётган жараёнларнинг ўз моделлари билан мувофиқлиги даражаси аналоглар билан ифодаланadi.

Шахс, жамоа ва давлатнинг ҳаётий қадриятларига бўладиган ташқи ахборот хавфларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин (2-расм). Таклиф этилган умумий миллий хавфсизлик ҳуружлари классификатори миллий хавфсизлик муаммолари ва уларнинг элементларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ тўлдирилиши ва қисмларга ажратилиши мумкин.



2-расм. Шахс, жамоа ва давлатнинг ҳаётини қадриятларига бўладиган хавфлар

Шундай қилиб, рақамли дипломатиянинг мақсадини глобал-ахборот соҳасида стақчиликни таъминлаш бўйича сиёсий-харбий масалаларга нисбатан бир бирини тўлдирувчи сифатида қараш лозим.

Диссертациянинг «Давлатлараро муносабатларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал моделлари» деб номланган учинчи бобида давлатлараро муносабатларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан фалсафий маънода «сир» тушунчасига боғлиқ барча турдаги сирлар ўртасидаги муносабатлар жамланган ҳолатда қаралаётган халқаро ахборот хавфсизлиги келтирилган. Шунингдек, ушбу бобида рақамли дипломатия асосида давлатлараро муносабатлар стратегиясини мувофиқлаштириш алгоритми ва концептуал моделлари ишлаб чиқилган.

Таҳдидлар даражаси қуйидаги ресурсларнинг қиймати, таҳдидларнинг даражаси ҳамда заифликларнинг даражаси ўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Ушбу параметрларнинг ўсиши билан таҳдид ҳам ошиб боради. Бундай ҳолатда формулани қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$R = S \cdot L(t) \cdot L(v), \quad (7)$$

бу ерда:  $S$  – активлар (ресурслар) қиймати;  $L(t)$  – таҳдидлар даражаси;  $L(v)$  – заифликлар даражаси.

Амалиётда ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ҳисоблаш таҳдидлар даражасини қийматини ифодаловчи жадваллар, заифликларни эҳтимоллиги ҳамда активлар қиймати орқали амалга оширилади. Таҳдидларнинг қиймати 0 да 8 гача бўлган ораликда ўзгариши мумкин, натижада ҳар бир актив учун турли қийматдаги таҳдидлар рўйхатиётига эга бўлинади. Стандарт бўйича таҳдидларни қуйидагича шкалалар орқали саралаш таклиф қилинади: қуйи (0-2), ўрта (3-5) ҳамда юқори (6-8). Бу энг жиддий таҳдидларни аниқлаш



имконини беради. Турли хилдаги ахборот активлари учун оқибатларнинг оғирлик даражасини аниқлаш сифат-миқдорий шкала ёрдамида баҳолаш таклиф қилинади, яъни минимал – ташкилот капиталининг 0,5% , юқори – ташкилот капиталининг 1,5% дан 3% гача миқдори этиб белгиланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдидларни сифатли баҳолашни амалга ошириш учун оқибатларнинг оғирлик даражаси ва таҳдидларни амалга ошириш эҳтимоллигининг мослик жадвалидан фойдаланилади. Агарда миқдорий баҳолашни амалга ошириш зарурати тугилса, у ҳолда қуйидаги кўринишдаги формуладан фойдаланилади:

$$R = P(v) \cdot S, \quad (8)$$

бу ерда:  $S$  – активлар қиймати (оқибатларнинг оғирлик даражаси).

Юқорида санаб ўтилган барча таҳдидларни ҳисоблаш усуллариининг ахборот хавфсизлигига таҳдидлар қийматларини ҳисоблаш қисмини кўриб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, таҳдидларни ҳисоблаш таҳдид қийматлари ва активларининг қиймати ёрдамида амалга оширилади. Ушбу усуллариининг асосий камчилиги активлар таннарини (зарарлар миқдори) шартли бирликлар кўринишида эканлиги ҳисобланади. Шартли қийматлар ўлчов бирлиги ҳисобланмайди, жумладан, амалиётда қўлланганда пул эквиваленти кўринишида ифодалаб бўлмайди. Бунинг натижасида, реал химоя объектлари активларига нисбатан амалга ошириладиган таҳдидлар даражасининг реал ифодасини бермайди. Бундай ҳолатда таҳдидларни ҳисоблаш муолажаларини қуйидаги босқичларга бўлиш таклиф қилинади: техник таҳдидлар қийматини ҳисоблаш; яширин зарарларни ҳисоблаш.

Техник таҳдидлар деганда ахборот хавфсизлигига таҳдидларни амалга ошиш эҳтимоллиги ҳамда ахборот инфраструктураларининг ҳар бир компонентларининг уларнинг конфиденциаллиги, яхлитлиги ва рухсат этилганлигини ҳисобга олган ҳолдаги заифликларининг мавжудлигидан таркиб топган қийматлари тушунилади.

Биринчи босқич учун қуйидаги формулаларни келтириш мумкин:

$$R_c = K_c \cdot P(T) \cdot P(V); R_i = K_i \cdot P(T) \cdot P(V); R_a = K_a \cdot P(T) \cdot P(V);$$

$$R_{\text{yp}} = R_c + R_i + R_a,$$

бу ерда:  $R_c$  – конфиденциалликка таҳдидларнинг қиймати;  $K_c$  – ахборот активларининг конфиденциаллик коэффиценти;  $P(T)$  – таҳдидларнинг амалга ошиш эҳтимоллиги;  $P(V)$  – заифликлардан фойдаланиш эҳтимоллиги;  $R_i$  – яхлитликка нисбатан таҳдидларнинг қиймати;  $K_i$  – ахборот активларининг яхлитлик коэффиценти;  $R_a$  – рухсат этилганликка нисбатан таҳдидлар қиймати;  $K_a$  – ахборот активларига рухсат этилганлик коэффиценти.  $R_{\text{yp}}$  – таҳдидларнинг умумий ўртача қиймати.

Ушбу алгоритмни қўллаш таҳдидларга нисбатан батафсил баҳолаш ўтказиш имконини беради, натижада ҳар бир ахборот активларининг алоҳида кўринишдаги компрометация таҳдидларининг рўй бериш эҳтимоллигининг ўлчовсиз қийматларига эга бўлинади. Шундан келиб чиқиб, зарарлар қийматини ўлчаш имкони пайдо бўлади. ~~Бунинг учун ҳар бир ахборот активларининг умумий ўртача таҳдидлар қиймати ҳамда яширин зарарлар қиймати~~

(талофотлар) микдоридан фойдаланилади. Зарар қиймати ( $L$ ) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$L = R_{\text{җр}} \cdot S,$$

бу ерда:  $R_{\text{җр}}$  – умумий ўртача таҳдидлар қиймати;  $S$  – йўқотишлар (талофотлар), шартли бирликда.

Тақлиф этилган усул ахборот хавфсизлигига таҳдидларни юқори аниқликда баҳолаш ҳамда хавфсизлик ходисалари (инцидентлар) рўй берганда иқтисодий талофотларни ҳисоблаш имконияларини беради.

